

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**


**“ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
(ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА) МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И
ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»**

Тошкент - 2016



диалоглар ва ҳаётий ҳолатлар кўринишида қўлланилиши мақсадга эришиш учун замин яратади.

Инглиз тилида грамматик муносабатларни ифодалашда ёрдамчи сўзлар (артиклъ, ёрдамчи феъллар, предлоглар) ва сўз тартиби катта аҳамиятга эга. Сўзлар шаклан бир-бирига мос келмаган ҳолда аниқликка грамматик, лексик-фразеологик ва стилистик ўзгартиришлар орқали эришилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, нутқдаги грамматик муносабатлар тилнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, солиштириш, таққослаш орқали амалга оширилиши зарур [3.,46-48 бетлар].

Инглиз тилини қиёслаб ўқитиш мақсадларини аниқлашда баъзи жиҳатлар муҳим ҳисобланади, яъни камида икки тил хусусиятлари таҳлил қилинади.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўзбек ва рус тилларини билган талаба ҳам, инглиз тили грамматикасини яхши ўзлаштирмаган бўлса, куйидаги гапни тушунишга қийналиши мумкин: **My mother wants me to lay the table.** Бу гапда инглиз тилига хос бўлган хусусият акс этган. Ўзбек тили билан солиштирилганда, **me to lay** тушунарсиз ҳолат, аммо уни “менинг дастурхон тузатишимни”, деб тушуниш зарур. Грамматикага оид билимларсиз чет тилида гапириш кўникмасини шакллантириш мумкин эмас. Инглиз ва ўзбек тилларида сон категориясининг ифодаланиши кўшимчалар қўшиш йўли билан ясалса ҳам, бу категорияда муҳим фарқли жойлар кўп қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан:

Ten tables – ўнта стол; twelve balls – ўн иккита копток; twenty rooms – йигирмата хона.

Кўплик шаклини яшаш учун баъзи сўзларнинг ўзаги ўзгариши инглиз тилининг ўзига хос хусусиятидир. Масалан:

Mouse – mice – сичқонлар; foot – feet – оёқ - оёқлар; woman – women – аёл - аёллар; goose – geese – гоз – гозлар ва ҳ.к.з.

Ҳар иккала тилнинг синтаксис босқичида баъзи ўхшашлик томонларини учратсак, баъзи ҳолларда фақат бир тилгагина хос бўлган хусусиятларни учратамиз. Масалан, гапларнинг дарак, сўрок, инкор шакллари ҳар иккала тилга хос бўлган синтактик ҳодиса ҳисобланади. Лекин дарак гапдаги сўз тартибини таҳлил қилсак, инглиз тилида гапдаги сўз тартиби ўзбек тилидагига қараганда қатъийлиги билан ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек тилида гапдаги сўз тартиби инглиз тилидагига нисбатан эркинроқ ҳисобланади. Масалан:

Онам дастурхонни тузатди; Дастурхонни онам тузатди; Тузатди онам дастурхонни; Дастурхонни тузатди онам. Айнан шу гапни инглиз тилида ўзбек тилидагидай ифодалаш мумкин эмас:

My mother laid the table; The table laid my mother; Laid my mother the table; My mother the table laid. Биринчи гапдан ташқари қолган ҳамма гаплар ҳам маъно, ҳам грамматик жиҳатдан нотўғри ҳисобланади.

Инглиз тилида баъзи гап турлари мавжудки, уларни ўзбек тилида учратиб бўлмайди, ва аксинча, ўзбек тили синтаксисидagi айрим гап тузилишларини инглиз тилида умуман кўрмаймиз[1.,135 бет].

Хорижий тил ўқитиш методикасида тил ўрганувчилар учун қийинчилик туғдирадиган бундай ҳолатларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўрганиш унинг грамматикасини билмай туриб амалга оширилиши мумкин эмас. Ўрганилаётган тилда сўзлашиш жараёнида тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш учун авваламбор грамматикани ўрганиш лозим.

Адабиётлар: 1.Ўзбекистон Республикаси нофилологик олий ўқув юртларида тил ўқитиш долзарб муаммолари. ТДИУ, илмий-амалий анжуман, тўплам, 2007. 133-135 бетлар.

2.Интернет маълумотлари.

3.Фариев А.С. Сопоставительное изучение иностранных языков. Ташкент, 1992. стр.46-54.

Umarova M.B.

USING GRAMMAR MATERIAL IN TEACHING ENGLISH

The Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent city, the Republic of Uzbekistan

E-mail: nafka95@mail.ru

Studying languages is a part of general knowledge. We study complex working the human body to understand ourselves; the same reason should attract us to study the marvelous complexity of human language.

Everybody has attitudes towards the English language and its varieties and has opinions on specific features. These attitudes and opinions affect relationships with other people. If you understand the nature of a language, you will realize the grounds for your linguistic prejudices and perhaps moderate them; you will also more clearly assess linguistic issues of public concern, such as worries about the state of the language or what to do about the teaching immigrants. Studying the English language has a more obvious practical application: it can help you to use the language more effectively.

In studying language, grammar occupies a central position. But there is also a practical reason to emphasize the study of grammar. It is easy to learn to use dictionaries by yourself to find the pronunciation, spelling, or meanings of words, but it is difficult to consult grammar books without a considerable knowledge of grammar.

There are several applications of grammatical study: (1) A recognition of grammatical structures is often essential for punctuation; (2) A study of one's native grammar of a foreign language; (3) A knowledge of grammar is a help in the interpretation of literary and non-literary texts, since the interpretation of a passage sometimes depend crucially on grammatical analysis; (4) A study of the grammatical resources of English is useful in composition: in particular, it can help you to evaluate the choices available to you when you come to revise an earlier written draft[1., p.33-34].

Some combinations of words are possible in English and others are not. As a speaker of English, you can judge that Home computers are now much cheaper is not, because you know that much is wrongly positioned in the second example. Your ability to recognize such distinctions is evidence that in some sense you know the rules of grammar even if you have never studied any grammar. Similarly, you operate the rules whenever you speak or write (you can put words in the right order) and whenever you interpret what others say (you know that Susan likes Tom means something different from Tom likes Susan). But knowing the rules in evaluate and operational senses does not mean that you can say what the rules are.

You acquire a working knowledge of your native language simply through being exposed to it from early childhood: nobody taught you, for example, where to position much. You study grammar, however, if you want to be able to analyze your language. The analytic grammar makes explicit the knowledge of the rules with which you operate when you use the language. There is a clear difference between the operational grammar and the analytic grammar. After all, many languages have never been analyzed and some have been analyzed only relatively recently. People were speaking and writing English long before the first English grammars appeared at the end of the sixteenth century[2].

Linguistic communications are channeled mainly through our senses of sound and sight. Grammar is the central component of the language. It mediates between the system of sounds or of written symbols, on the one hand, and the system of meaning, on the other. Phonology is the usual term for the sound system in the language: the distinctive sound units and the ways which they may be combined. Orthography parallels phonology in that it deals with the writing system in the language: the distinctive written symbols and their possible combinations. Semantics is concerned with the system of meanings in the language: the meanings of words and the combinatory meanings of larger units[2].

Three other aspects of language description are often distinguished: Phonetics, Morphology and Pragmatics. Phonetics deals with the physical characteristics of the sounds in the language and how the sounds are produced. Sounds and letters combine to form words or parts of words. Morphology refers to the set of rules that describe the structure of words. The word "computer", for example, consists of two parts: the base compute (used separately as a verb) and the suffix "-er" (found in other nouns derived from verbs, e.g. "blender"). Pragmatics is concerned with the use of particular utterances within particular situations. For example, "Will you join our group?" is a question that,

depending on the speaker's intention, is a request for information or a request for action [3., p.55-61].

Some variation depends on the medium, the channel of communication. The major distinction is between spoken and written language. Conversation, the most common type of speech, involves immediate interchange between the participants, who convey their reactions either in words or through facial expressions and bodily movements. There is more spontaneity in conversation than in writing; self-correction occurs in the flow of conversation, whereas it is eliminated through editing in writing. Writing needs to be more explicit, since obscurities and misunderstandings cannot be removed immediately. People feel more committed to what they write because of the potential permanence of the written communication. The differences of the nature of the media is reflected in the greater concision that is possible in writing and in the greater care that writers take over their choice of words[3., p.68-73].

Language also varies according to the attitude of the speaker or writer towards the listener or reader, towards the topic, and towards the purpose of communication. We can select from features that range from the most formal to the most informal.

Literature: 1. Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. Москва, 1999., стр. 55-63, 68-73.

2. Internet materials: Mail.ru, Google.ru, Yandex.ru.

3. Maslennikova E.V., Rakhovitch N.L. Practical English Grammar. Tashkent, 1998.

Хуррамова Р.И.

ТАЪЛИМДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: rano.huramova@mail.ru

Ахборот-коммуникация технологиялари давлатнинг иқтисодий тизимини юритишнинг асосий кучи бўлиб: телекоммуникация, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш каби соҳаларда янги иш жойларни ташкил қилади, ҳамда янги ахборот-коммуникация атрофида пайдо бўлаётган молиявий, таълим ва ўқитиш каби хизматлар соҳасига янги дастурий таъминотни яратмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, таълим, ўқитиш ва кадрлар масалаларини ҳал этиш ва доимий эътибор қаратиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Таълим жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш талабалар ва ўқитувчиларни интеллектуал ривожлантириш ҳамда жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим вазифасидир.

Шу боис таълим соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг кириб келиши янги ўзгаришлардан фойдаланишни тақозо этади.

Президент И.А.Каримовнинг 2012 йил 21 мартда “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлатимиз сиёсати мамлакатимизни бевосита жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига йўналтирилган жараёни янада ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгиланган¹.

Замонавий жамият ахборот узатиш ҳажми ва тезлиги жиҳатидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан характерланади. Олий таълим муассасалардаги таълим жараёнида талабалар ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида матн билан ишлашни, таъсирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан ва маълумот ресурслар базасидан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёкараши кенгаяди. Дарсларда ахборот-коммуникация технологияларнинг ишлатилиши ўқишга бўлган мотивациясини, талабаларнинг қизиқувчанлигини, мустақил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори